
"Маданият ва санъат ходимлари куни" муносабати билан байрам дастурхони ёзилди.

Маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳақида сўз борар экан, шу ўринда туманимиз маданият бўлими ижодкорларини ҳам тилга олиш ўринли. Улар маҳалла ва қишлоқларимизда бўлиб ўтаётган тадбир ва байрам тантаналарида ўз истеъдодларини намойиш этишиб, халқимизга хуш кайфият улашишдан чарчашмаяпти.

Бугун ҳам «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари куни» муносабати билан Данғара туманида маданият ходимлари учун байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда соҳада узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, бугунги кунда самарали фаолият юритиб келаётган фаоллар иштирок этди. Туман ҳокими соҳа вакилларини касб байрами билан самимий табриклаб, миллий маданиятни ривожлантириш ҳамда тарғиб этишдаги фидокорона меҳнатларини эътироф этди.

Ўз касбига меҳр-муҳаббат, садоқат билан хизмат қилиб келаётган ходимларнинг бир гуруҳи туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

2024-04-15 18:41:17